



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 6.2

Махсус сон

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАД҆ҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH



№ 6-2, 2022
махсус сон

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош мухаррир: Маъмуроў Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгапси раиси: Хамидов Обиджон Ҳафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгапси раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник мухаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кӯчаси, 16-үй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Карори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) иљмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий иљмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган иљмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга руҳсат этилди: 27.06.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8, б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп етилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 раками билан Ўзбекистон Оммавий аҳборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 1 марта ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро иљмий-ме- тодик журналидан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Маколада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулларид</p>	<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <thead> <tr> <th style="text-align: center; padding: 5px;">07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ</th><th style="text-align: center; padding: 5px;">7</th></tr> </thead> <tbody> <tr> <td style="padding: 5px;">To‘xtasinov M. G‘. Rossiya muvaqqat hukumati davrida turkiston boshqaruvida millatlar faoliyati</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">16</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">27</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ахмедова Ш. Н. Хуршид Давроннинг адабий –эстетик қарашлари</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">35</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Kattayeva F. Sh. Inter-relationships between macro-social and micro-social cognition in teaching foreign languages</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">41</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Fayziyeva A. A. Metafora tarjimasiga turli qarashlar</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">48</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Рахматова М. Ш. Система ценностей в семье</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">54</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Faффоров Н. Н. Спорт соҳасига доир публицистик матнларда спорт терминларининг берилиши</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">68</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Ботирова А. Э. Грамматик лугатларининг электрон шаклига сўзларни туркумлар бўйича танлаб олиш тамойили</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">74</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Усмонова Н. Б. Лингвокультурологические особенности наименования народных названий болезней (на материале русского языка)</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">80</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Namozova D. B. Ingliz tilini ikkinchi chet tili sifatida o‘rganayotgan kursantlarning nutqida fonetik interferensiya</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">85</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Галимова А. Р. Понятие вербальной агрессии в лингвистике</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">90</td></tr> <tr> <th style="text-align: center; padding: 5px;">13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</th><th style="text-align: center; padding: 5px;">96</th></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Satkulov B. M. 400 metrga g‘ovlar osha yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini shakllantirish</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">96</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">O‘ktamov D. T. Uzoq masofaga yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini tuzilishi</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">96</td></tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Qodirov O. O. Iskala usulining kommunikativ ko’nikmalarni rivojlantirishdagi ahamiyati</td><td style="text-align: center; padding: 5px;">96</td></tr> </tbody> </table>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	7	To‘xtasinov M. G‘. Rossiya muvaqqat hukumati davrida turkiston boshqaruvida millatlar faoliyati	16	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	27	Ахмедова Ш. Н. Хуршид Давроннинг адабий –эстетик қарашлари	35	Kattayeva F. Sh. Inter-relationships between macro-social and micro-social cognition in teaching foreign languages	41	Fayziyeva A. A. Metafora tarjimasiga turli qarashlar	48	Рахматова М. Ш. Система ценностей в семье	54	Faффоров Н. Н. Спорт соҳасига доир публицистик матнларда спорт терминларининг берилиши	68	Ботирова А. Э. Грамматик лугатларининг электрон шаклига сўзларни туркумлар бўйича танлаб олиш тамойили	74	Усмонова Н. Б. Лингвокультурологические особенности наименования народных названий болезней (на материале русского языка)	80	Namozova D. B. Ingliz tilini ikkinchi chet tili sifatida o‘rganayotgan kursantlarning nutqida fonetik interferensiya	85	Галимова А. Р. Понятие вербальной агрессии в лингвистике	90	13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	96	Satkulov B. M. 400 metrga g‘ovlar osha yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini shakllantirish	96	O‘ktamov D. T. Uzoq masofaga yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini tuzilishi	96	Qodirov O. O. Iskala usulining kommunikativ ko’nikmalarni rivojlantirishdagi ahamiyati	96
07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	7																																
To‘xtasinov M. G‘. Rossiya muvaqqat hukumati davrida turkiston boshqaruvida millatlar faoliyati	16																																
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	27																																
Ахмедова Ш. Н. Хуршид Давроннинг адабий –эстетик қарашлари	35																																
Kattayeva F. Sh. Inter-relationships between macro-social and micro-social cognition in teaching foreign languages	41																																
Fayziyeva A. A. Metafora tarjimasiga turli qarashlar	48																																
Рахматова М. Ш. Система ценностей в семье	54																																
Faффоров Н. Н. Спорт соҳасига доир публицистик матнларда спорт терминларининг берилиши	68																																
Ботирова А. Э. Грамматик лугатларининг электрон шаклига сўзларни туркумлар бўйича танлаб олиш тамойили	74																																
Усмонова Н. Б. Лингвокультурологические особенности наименования народных названий болезней (на материале русского языка)	80																																
Namozova D. B. Ingliz tilini ikkinchi chet tili sifatida o‘rganayotgan kursantlarning nutqida fonetik interferensiya	85																																
Галимова А. Р. Понятие вербальной агрессии в лингвистике	90																																
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	96																																
Satkulov B. M. 400 metrga g‘ovlar osha yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini shakllantirish	96																																
O‘ktamov D. T. Uzoq masofaga yuguruvchilarni funksional tayyorgarlik darajasini tuzilishi	96																																
Qodirov O. O. Iskala usulining kommunikativ ko’nikmalarni rivojlantirishdagi ahamiyati	96																																

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ХУРШИД ДАВРОННИНГ АДАБИЙ – ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ

Ахмедова Шоира Нематовна,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф. доктори

Аннотация. Мақолада X.Давроннинг адабий-эстетик қарашларини ўзида жамлаган бальзи сұхбат, адабий-танқидий, тарихий-маърифий мақола ва бадиалари таҳлилга тортилган. 70 ёшини қаршилаётган адабнинг адабий-танқидий асарлари, мақола ва эсселари адабиётшуносликда кам тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: адаб, сұхбат, бадиа, эссе, тарихий-маърифий бадиа, эркинлик, эстетика.

ЛИТЕРАТУРНО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ ВЗГЛЯДЫ ХУРШИДА ДАВРОНА

Ахмедова Шоира Нематовна,
профессор кафедры узбекской литературы Бухарского
государственного университета, доктор филологических наук.

Аннотация. В статье анализируются некоторые беседы, литературно-критические, историко-просветительские статьи и стихотворения X. Даврона, содержащие литературоведческие и эстетические взгляды. Литературно-критические произведения, статьи и очерки 70-летнего писателя мало изучены в литературоведении.

Ключевые слова: писатель, диалог, эссе, очерк, историко-просветительское эссе, свобода, эстетика.

LITERARY-AESTHETIC VIEWS OF HURSHID DAVRON

Akhmedova Shoira Nematovna,
Professor of the Department of Uzbek Literature, Bukhara State
University, Doctor of Philology.

Annotation. The article analyzes some conversations, literary critical, historical and educational articles and poems by X. Davron, containing literary and aesthetic views. Literary-critical works, articles and essays of the 70-year-old writer have been little studied in literary criticism.

Key words: writer, dialogue, badia, essay, historical and educational essay, freedom, aesthetics.

Кириш. Истеъдодли шоир ва публицист Хуршид Даврон 1952 йил 20 январ куни Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Чордара қишлоғида туғилган. Тошкент давлат университетининг журналистика факултетини тутатган. Турли нашриёт ва ижодий ташкилотларда



ишлаган. Маънавият ва маърифат марказида раҳбар ўринбосари, 1996 йилдан Ўзбекистон телевидениеси «Ёшлар» телеканалининг бош директори бўлиб ишлаган. Унинг илк шеърлари «Шарқ тонги» туман газетаси, вилоят газетасида босилган. Катта адабиётга кириб келиши 1976 йили «Гулистон» журналида устоз шоир Эркин Воҳидовнинг оқ йўли билан бошланган. Дастребаки шеърлар тўплами — «Қадрдон қуёш», «Шаҳардаги олма дарахти», «Тунги боғлар», «Учib бораман қушлар билан», «Тўмариснинг кўзлари», «Болаликнинг овози», «Қақнус», «Полёт одинокой птицы», «Самарқанд хаёли», «Баҳордан бир кун олдин» каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

Шеърларида воқеликка янгича нигоҳ билан қаровчи, табиат, жамият ва кишилар ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни синчковлик билан кузатувчи, айни пайтда бокира ёшликка хос ҳайрат хиссини сақлаб қолган зукко шоир сифатида гавдаланади. Хуршид Даврон сўзга, ифода воситалари ва шеърий шаклларга юксак мезонлар асосида ёндашади. Хуршид Даврон 90-йилларда шеъриятдан қўра насрий жанрларда самарали ижод қилди. У олис ўтмишда яшаган унутилмас тарихий сиймолар ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиб, улар ҳақидаги мўътабар қўллэзма манбалар билан танишди ва Бибихоним ҳақида «Самарқанд хаёли», Улугбек ҳақида «Соҳибқирон набираси», Шайх Кубро ҳақида «Шаҳидлар шоҳи» каби тарихий-маърифий киссаларни яратди. Хуршид Даврон бу асарлари билан 90-йилларда Ўзбекистонда тарихий ўтмишга бўлган муносабатнинг яна ҳам қизғин тус олишига муносиб ҳисса қўшди.

Драматург сифатида бундай тарихий сиймолар ҳаётини пухта ўрганиб, улар ҳақида сахна асарлари ҳам ёзди («Мирзо Улугбек» — «Алғул», «Бобуршоҳ»). Хуршид Даврон тарихий мавзудаги бу асарлари билан ҳозирги ўзбек драматургиясига ўтмишда яшаган ажойиб ватандошларимизнинг ёрқин образларини олиб кирди. Шарқ ва Ғарб шоирларининг асарларидан иборат «Қирқ бир ишқ дафтари» ва япон шоирларининг шеърларидан таркиб топган «Денгиз япроқлари» тўпламларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Жорий йилда адабнинг 70 йиллик юбилейи нишонланмоқда.

Асосий қисм. Хуршид Даврон ўзбек адабиётида ранг-баранг шеърияти, драматик асарлари, достонлари, таржималари, тарихий – маърифий бадиалари, адабий-танқидий мақолалари, публицистик асарлари билан ўзига хос ўрин эгаллаган ижодкорлардан биридир. Хуршид Давроннинг адабий-эстетик қарашларини ўзида жам этган адабий-танқидий, илмий, публицистик ишларини куйидаги уч гурухга

ажратиб ўрганиш мумкин.

1. Адабий-танқидий мақолалар, сұхбатлар.
2. Тарихий-маърифий бадиалар
3. Публицистик лавҳалар, мақолалар

Бу асарларни адібнинг мозий қатларида яширинган сирли хаёлот олами ва бадиият уйғунлиги, шунга мос ўзига хос қарашлари, энг муҳими, Ватанга, унинг тарихига муҳаббат түйғулари бирлаштириб туради.

Адіб бир сұхбатида адабиёт ҳақида фикр юритар экан, Адабиёт янгиланиш курашининг кундалик дафтари, ҳақиқат күзгуси бўлмоғи керак деб ҳисоблайди. “Баъзилар хусусан ўзбек адабиёти шу ўринда оқсаяпти, дейиши турган гап. Бу бир томондан тўғри, иккинчи томондан тўла бўлмаган фикрdir. Адабиёт қандайдир ишлаб чиқариш корхонаси ҳам эмас, адабиётда мажбуриятлар олинмайди. У ҳақда сон кўрсаткичлари билан эмас, балки муайян рух, виждон, юрак, ақл сифатлари орқали мушоҳада юритмогимиз зарур”[5,26]. Яратилаётган асарларда халқимизга бера олиши мумкин бўлган маънавий қудрат, салмоғ ҳақидагина гапириш шарт, бунинг учун ҳақиқатни айтиш, халқимизнинг яратувчилик қудратини уйғотишимиз керак деб ҳисоблайди адаб. “Кўнглимизда юлдузлар чақнасин!” деб номланган шоира Зебо Мирзо билан бўлган сұхбат қайта қуриш даврининг охирги йилларида ўтказилган. “Бироқ, қардош халқлар маданият ва фан арбобларининг ноҳақ репрессия қилингани ҳақидаги фактлар кенг ошкор қилинаётган бир даврда нега биз жиммиз? Нега Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмои Носир, Боту кабилар тақдирида рўй берган қора кечалар ёритилмаяпти? Гапириш шарт ва зарур. Бугун биз гапирмасак, эртага ўша ноҳақликларга бизлар ҳам шерик бўлган ҳисобланамиз” деб жой куйдирган адаб орзу қилган билан қанча ишлар Истиқлол даврига келиб, амалга ошиди, албатта. Аммо қалбини халқ дарди, орзу-интилишлари эгаллаган ҳар билан ижодкор унинг келажагига умид билан қараши табиий. Шунинг учун бошқа бир сұхбатида “Яшашдан мақсад нима? деган саволга шундай жавоб беради: Шахсан мен бу сўроққа америкалик буюк шоир Роберт Фрост сатрлари орқали жавоб топгандай бўлдим.

Йўл узок,
Атрофи қора чангальзор,
Лекин мангу уйқуга қадар
Ундан албатта ўтмоғим даркор.

Жамият ва инсонлар ўртасидаги лоқайдликнинг туб моҳиятини маърифатсизликда деб билган адаб “Адабиётга — инсонга муҳаббат илми” деб қарайди. Х.Даврон ҳам ўз халқининг орзу-интилишлари



билин яшаётган ижодкор эканлиги унинг асарларида ёрқин намоён бўлади.

Ҳақиқий ижодкорлар ўз халқидан бир қадам олдинда юради дейишади. Бу фикр қанчалик тўғри эканлигини Х.Давроннинг қуйидаги мулоҳазалари тасдиқлайди: “Бугунги кунда рус тилининг том маънодаги дўстлик тилига айлангани— шубҳасиз жамиятимизнинг ютуғи. Бирок, шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир халқдаги маънавий қудрат фақат она тилидагина шаклланади. Ўз она тилини пухта эгаллаган одамгина рус тилини осон ва тез эгаллай олади. ўз она тилини севган одамгина бошқа тилларниям хурмат қила олади. Биз эса рус тилини ўқитишга эътиборни кучайтирган сайин ўзбек тилини ўқитишга панжа орасидан қараймиз. Турмушимизни бошқариб турган ташкилотларда иш юрги зиш, олий ўкув юртларида техника, медицина, қишлоқ хўжалиги, аниқ фанлар... ҳатто маданият соҳаларига оид дарслар кўпинча рус тилида ўрганилади. Бу жуда керак, аммо бунинг оқибатида ўзбек тили фақат адабиёт тили бўлиб қолмоқда, илм-фан тили ривожланишдан қолиб кетмоқда”[5,46]. Ўз вақтида ва ҳаққоний айтилган бу мулоҳазалар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаганлигини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Суҳбатни адиб “Энг аввало ўғилларимиз ва қизларимиз осмони тинч ва мусаффо бўлишини истайман. Уларнинг қўнгил осмонида эса Навоий, Улуғбек, Бобур, Қодирий, Ойбек, Тўмарис ва Муқанна юлдузлари чарақлаб турсин, деган эзгу истаклар билан тутатади.

Адибнинг буюк устозлар ижодига ҳурмат билан қарашининг намунасини “ўлмас сатрлари халқимиз юрагида қон каби гупиллаб яшаб” турган Ойбек ижодига бағишлиланган “Ўчмаган овоз, сўнмаган қон” мақоласи орқали кўриш мумкин. Асл шоирлар, Белинский таъбири билан айтганда, «мангу яшовчи ва ҳаракат қилувчи ҳодисалар туркумига мансубдир. Бундай ҳодисалар ҳатто ўлимга дуч келган нуқтада ҳам сира тўхтамайдилар, балки жамият онгига ривожланаверадилар». Ойбек фаолиятига адиб худди мана шу нуқтаи назардан баҳо беради. Ойбекка муносабатимизга, Ойбек дунёсини англашимизга, унга бўлган сўнмас муҳаббатимизга фақат бир фазилат сабаб: «Ойбекнинг бизга таъсирида ҳамиша ижодий — руҳимизни озод ва пок қилувчи, маънавиятимизни тартибга солувчи зўр қудрат бор. Ойбек шеъриятида, Ойбек шахсиятида, Ойбек даҳосининг табиатида ҳамиша ҳақиқий санъатга хизмат қилувчи мана шу буюк маънавий қудратни кўрамиз.

Ойбек шеърияти сирли, мўъжизаларга бой, тасвири ғоят залвор туғёнлар жо галаёндир, ой шуъласидай ёруғ ҳислар бекинган қўшиқдир. Шу билан бирга, оташин юрак кечинмаларнинг ёдномасидир”[5,78]. Адиб бу шеърларни ўқиган пайтимда вужудида шундай бир тасвири ноаён ҳайрат ва дард сезадики, бу дунёда яшашдан мақсад — олаётган

хузурларининг энг гўзали ва ёқимлиси бўлиб туюлишини тан олади. Ойбекнинг қанчадан қанча гўзал. буюк сатрларини мисол сифатида келтиради.

Х.Даврон инсонни идрок этиш ва ҳис этишга ундаши, ўргатиши, инсон маънавий дунёси чегараларини тобора кенгайтириши, инсондаги эстетик қарашларни тарбиялаши жиҳатидан келиб чиқиб, шеъриятга юракнинг покланиш воситаси деб қарайди. “Ойбек шеърияти худди шундай асл шеъриятдир. Ҳақиқий шоирнинг истаги ва талаблари ҳамиша халқнинг истак ва талаблари билан ҳамнафас. Шоир ўз асарларида бу истак ва талабларни ўзининг юрак туйғуларига эмакдош қилиб сингдирмоғи лозим.

Адид ҳақиқий шоир ким деган савол моҳиятини очишга интилади: “Ҳақиқий шоир дунёни ўзgartiriш жараёнининг фаол иштирокчисидир. У бутун умри давомида ноҳақликка, жаҳолатга, тенгсизликка қарши курашди... Агар шоир фаолиятининг қадр-қиймати бўлса, у шоирнинг нинсон қайғу-изтиробларини тўла англаши, инсониятни оғриқлар чангалидан олиб чиқа олиши ва зулмат қўйнида ёниб турган, тафаккур ва муҳаббат чироғини шамолу бўронлар ҳамласидан асраб, унинг зуҳурли ёғдусинн одамларга етказа билиши билан ўлчанади. Ойбек худди ана шундай асл шоир эди”. Янис Рицоснинг «Асл шоир ёлғиз курашчи бўлиб туюлса-да, аслида у оммавий кураш иштирокчисидир» деган сўзларини келтирас экан, шеъриятнинг ижтимоий томони, албатта, унинг бош хусусияти эмас. Лекин, у энг сўнгги ва белгиловчи кучга эга, деб ҳисоблайди. Шеър шоирнинг шахсий кечинмаларини бузиб чиқа олгандагина, озодлик, ҳақиқат, баҳт, ўлим ҳақидаги умумбашарий ўйлар даражасига кўтарилади. Фақат шундагина ижтимоийлик эстетик қарашлар билан кесишади. Ҳақиқий санъатнинг, ҳақиқий шеъриятнинг охир-аввали ҳам шундадир. Буни Ойбек ўз ижоди билан исбот этгани, унинг ҳаёти шеърларида мужассамлигини тўғри таъкидлайди.

Х.Даврон Ойбек ижодига эҳтиром билан, муҳаббат билан қарайди, унга ўзига хос талқин билан ёндошади. Унинг қўйидаги асосли мулоҳазалари ойбекшуносликни янги талқинлар билан тўлдириши шубҳасиз: “Ойбек тунни севади. Исми бутун ижодига ярашиқлиғ шоир худди ойдай тўлиб, тун устида туриб уни сергак кузатади. Тун ҳақидаги шеърларининг ажиб фазилати: шоир тунни сукут ва уйқу билан эмас, бедорлик ва ҳаракат билан боғлайди. Шоир бедор ва ҳаракатли тунда қуёш юзини кўради. Шоир бизга тирик табиат билан сухбат куришга, уни севишга, уни англашга ўргатади.

Юксак чинорлар учи қуёш соchlари билан секин ўйнаши ҳам, япроқлар бетида мудраган ой нурлари ҳам, учган янроқ сасидаги баҳорнинг ёди ҳам юрагимиздан ўтаркан, беиз кетмайди. Ойбек шеърларидаги табиат,

кеча, кундуз, майса худди инсон янглиф нафас олади, нафасимизга нафас қўшади, дилимизга юлдуз бўлиб киради”. Бундай теран талқинлар китобхонни буюк Ойбек ижодига, шеъриятига ошно қилиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Х.Даврон Ойбек шеърларини ўқир экан, уни испан шоири Гарсиа Лорка, асримиз бошида француз шеъриятининг янги оқимиға асос солган улуғ шоир Гийом Аполлинернинг шеърлари билан қиёслайди. Шу билан бирга Ойбекнинг ижодий сабоғи, хусусан, ёш авлод асарларида мукаммал кўринишлар бераётгани, Ойбек сабоқлари ҳар кун, ҳар лаҳзада давом этаётганлиги, у бизни бедорликка, ҳаракатга, изланишларга чақираётганлигидан хурсандлигини яширмайди. »Ойбекнинг юраги гиёҳдай содда, тоғдай залворли ҳис- туйғуларга — шеърга тўла эди. У бизга бу ҳаётни, бу дунёни севишни, унинг поклиги, тинчлиги учун курашиб зарурлигини англатди. Виз ундан тарихга, она ҳалқимизга бўлган муҳаббатни ўргандик...Биз ундан қўлимизни, дилимизни пок тутишни ўргандик ва ўрганамиз...”[5,80]. Мақолани яқунлаган мунаққид Х.Даврон шоир Х.Давронга айланади ва Ойбекка бағишлиланган чиройли, таъсирчан шеърини ўқувчи диққатига ҳавола этади:

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб ,
Майсага ёнбошлаб ўқимоқ керак.
Ва сокин шивирни — оҳангни уқиб, Ойбекми?
Майсами?— деб толсин юрак.

Х.Давроннинг мазкур шеъридаги “Ойбек — бу ҳайратдан ёрилиб-ёрилиб кетган майсага чўккан тош”, “Ойбек - нури то чумоли қўзига етган дараҳтзор устида куёш” каби оҳорли топилмалар, ташбеҳлар шоир тимсолини кўз олдимизда ёрқин гавдалантиришга хизмат қиласади.

Ойбекнинг шеърлари бамисли нигоҳ,
Бу нигоҳ асрорин йўқдир поёни.

Х.Давроннинг Ойбекка бағишлиланган мақолалари ва шеърларида буюк ўзбек шоирига бўлган улуғ эҳтиром, муҳаббат ва ҳурмат туйғулари қоришиб кетганлиги унинг эстетик қарашлари юксак эканлигидан дарак беради.

Адибнинг бир туркум мақолалари борки, уларни тарихий-маърифий йўналишда ёзилган деб ҳисоблаш мумкин, чунки уларда Ватан, Ватан чегараси, юртимиз тарихини асраб-авайлаш, маданий меросимиз бўлган тарихий обидаларга муносабат, ўтмишга лоқайд бўлмаслик ҳақидаги куюнчак адибнинг ёниб турган қалбидан отилиб чиқсан эҳтиросли мулоҳазалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бу силсиладаги мақолаларида тарихий далиллар, афсона ва ривоятлардан фойдаланиш, маърифатга чорлаш туйғулари устуворлиги ёрқин намоён бўлган.

Айниқса, тилимизга бағишланған мақолалардаги фикрлар орадан 30 йили үтибдики, охорини йўқотмаган, бугунги кунимизга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.” Тил — миллат ижодининг кўринишларидан бири. Яна аниқроқ айтадиган бўлсак, тил миллат моҳияти, миллат дили. миллат устунидир. Тил фақат сўз ёки сўзнинг шакли эмас, Тил — ижтимоий ҳаёт, фалсафа, ахлоқ, рух, хаяжон. Миллат ижодидаги, яъни унинг адабиёти, санъати, илм-фанидаги ҳар қандай тўсиқ ёки инқироз энг аввало тилда акс этади”[5,38]. Адибнинг тилга нисбатан қилинган ҳар қандай зуғум ҳам ўз навбатида миллат ижодида намоён бўлиши, уни турғунликка бошлаши, турғунлик эса таназзулга олиб бориши ҳақидаги муроҳазалари ҳақлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ўзбек тилининг келажаги шу тилда сўзловчи ҳалқ ижодий тафаккурининг қувватига боғлиқ. Бу тафаккур ҳаракатда экан, ўзбек тилининг келажагига умид билан қарайди танқидчи. Шоир сифатида ҳақиқатни қутидаги тасвирлайди: Ўз тилини унуган ҳалқнинг боғларида ўсган гулларни чирмаб ухлар заҳарли илон. Ўз тилини унуган ҳалқнинг осмонида норламас қуёш — нур ўрнида тўклилади тош. Х.Даврон жаҳон адабиёти, адабий жараёнларини ҳам сергаклик билан кузатади, ўзбек адабиётининг юксалиши учун таржимага эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг “Денгиз япроқлари” мақоласи “жаҳондаги энг гўзал ва баркамол шеъриятларнинг бири” япон шеърияти талқинига бағишланған. “Улкан қарағай дарахти сингари илдизлари билан ўтмишга шу қадар чукур ботганки, тинимсиз кечеётган ҳаёт бўронларидан ларзага тушмай бугунги кунимизгача етиб келди... Бу шеърият - кунчиқар мамлакат фуқаросининг энг нозик ва энг сирли туйғулари битилган кундалик дафтар” деб талқин қилинган мазмунли мақолани ўқир экансиз, адибнинг япон хокку ва танқаларига юксак баҳо бергани яққол кўринади.

Фикрларимизни адибнинг “мен”и ярқ этиб турган эсселари ҳам исботлай олади. Адибнинг тарихий-маърифий бадиалари ўқир эканмиз, уларнинг барчасида муаллифнинг Ватанга, унинг тарихига бўлган эҳтироми, улуғ аждодларимизнинг нурли йўллари ҳақида келажак авлодга ибрат бўладиган воқеа-ҳодисаларни баён этиш истагида қалам тебратганини ҳис этиб турасиз. “Сизу бизнинг Ватанимиз бўлган икки дарё оралигидаги тупроқ тарихи ҳеч қачон тинмаган жанглар тарихи, юртимиз ҳудудларини бузиб кирган босқинчи душманларга қарши кураш тарихи, бу аёвсиз курашлар мобайнида элимиз озодлиги ва равнақи учун жонини аямagan ҳалқ ўглонлари ва қизлари жасорати тарихидан иборатдир”,- деб ёзади эссе навис.

XX асрнинг 70-80-йилларида Миртемир, А.Мухтор, Ҳ.Ғулом, П.Қодиров, О.Ёқубов ва бошқа санъаткорларнинг бир-бирларига



асло ўхшамаган бадиалари майдонга келди. Улар: масаланинг танланиши ва ёритилиши; услубларнинг ранг-баранглиги; маънавий-ахлоқий, фалсафий-эстетик умумлашмаларнинг салмоғи ва ҳарактери нуқтаи назаридан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Бу силсилада Х.Давроннинг ўзига хос ўрни борлиги яққол кўринади.

Ўзбек адабиётида яратилган бадиаларни мавзу жиҳатдан учга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўтмишнинг улуғ мутафаккирларига бағишлиланган бадиалар. Бу типга А.Қаюомовнинг «Абу Али ибн Сино», «Беруний», «Алишер Навоий», И. Тимофеевнинг «Беруний», Ш.Султонов ва К.Султоновларнинг «Умар Хайём» (1987), Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» асарларини киритиш мумкин.

2. Машхур шахсларга бағишлиланган эссе-романлар, академик тарихшунос олим Бўривой Аҳмедовнинг «Улугбек» ва «Амур Темур», К. Юсуповнинг «Генерал Собир Раҳимов», Б.Рексов ва Т.Седовнинг «Усмон Юсупов», Хуршид Давроннинг Бибихоним, Амир Темурга бағишлиланган асарлари мисол бўла олади.

3. XX аср ўзбек адабиёти ва санъати намоёндаларига бағишлиланган эссе-романларга Отаёр (Миртемир), Н.Каримов (Ойбек, X.Олимжон, Чўлпон, Мақсуд Шайхзода, Усмон Носирга бағишлиланган)нинг асарлари мисол бўла олади.

Кейинги йилларда бадианинг турлича шаклдаги кўринишлари намоён бўлаётганини ёзувчи Хуршид Давроннинг «Самарқанд хаёли» китобига киритилган тарихий ва маърифий бадиалар яққол кўрсатади. Унинг 1995 йилда чоп этилган “Соҳибқирон набираси” китобига ҳам тарихий-маърифий бадиалар киритилган.

«Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон» асари ҳам бадиа деб аталган бўлиб, унда эссега хос синкетиклик : образлилил билан бирга турли фанний-илмий омиллар, статистикрақамлар, тарихий ва биографик маълумотлар, хуллас, кўп соҳалардан далил ва мантиқий воситалар келтирилади. Шахсий мулоҳаза бадиада муаллиф “мен”ининг қуввати, савия доираси, ҳаётий тажрибаси, ҳикматгўйлик маҳорати, тафаккур қобилиятини кўрсатиб туради. зеро, бу жанрга кўпинча фалсафага мойил мулоҳазакор носирлар мурожаат қиладиларки, Х.Давронни ҳам шу силсилага мансуб дейиш мумкин.

Адабнинг “Тарих— бу қуёшга ўхшайди. Унга пешвоз қараб юрсанг, пешонанг ёруғ, йўлинг порлоқ, кўзларинг нурли бўлади. Унга орқа ўгирсанг, фақат соянгни кўрасан, холос” деган мулоҳазалари тарихий-маърифий бадиаларидан қизил ип бўлиб ўтади. Уларда - Бибихоним бўладими, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур бўладими – барчасида аждодлар тарихи, улар қолдирган меросни ҳақли равишда қуёшга

ўхшатиши бежиз эмас. Чунки буюк аждодларимиз қуёш бўлиб, нафақат ҳозирги ёшлар, балки келажак авлод йўлларини ҳам ёритиб туришига ишора қилинади.

Эссе импровизация(бадиҳагўйлик) асосида дунёга келадиган адабий-танқидий жанр бўлиб, ўтмишда яшаган буюк инсонлар, адабиёт тарихи ва ҳозирги адабий жараённинг муайян муаммолари тўғрисида мушоҳада ва муҳокамалар мажмуи саналади. Шу жиҳатдан қараганда Х.Даврон бадиалари кўпроқ тарихий шахсларга, улар ҳаётининг қоронғу томомнларини ёритишга бағишлилангани билан ажralиб туради. Масалан, “Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон” бадиаси Амир Темурнинг севикли рафиқаси Сароймулхонимга бағишлиланган. 34 қисмдан иборат бўлган бадиада лавҳалар алмасиб туради: муаллиф гоҳ тарихга мурожаат қилиб, буюк малика ҳақидаги афсоналарга ўрин беради, гоҳ ҳозирги замонга қайтиб, Бибихонимнинг мўмиёланган жасади тақдиди ва у билан боғлиқ инсонлар хотираларига тўхталади, гоҳ Самарқандда Темур қурдирган иморатлар тарихи, соҳибқирон ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни ҳам шарҳлаб ўтади. Музей ходими Юсуповнинг фидойилиги, ўз ишига ҳаддан ташқари масъулият билан қарashi, малика тобутини ўз ўрнига қўйиши учун қилган саъй ҳаракатлари, охирида фожиага учраши таъсирчан лавҳаларда тасвирланади.

Эссе жанрида ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари, тарих сирларидан воқиф этувчи бадиалари адабийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларининг кўркам синтезини ташкил этади. Бу жиҳатдан, айниқса,Х.Давроннинг бадиаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Зотан, бадиа жанрининг асосий хусусиятларидан бири- ҳиссий тафаккурнинг теран намоён бўлишидир.

Эсседа адабиётшуносликнинг турли соҳаларидаги даъво ва хulosалардан фойдаланиш орқали муаллиф ўзининг шахсий қарашларини далиллашга интилади. Муаллиф ҳар бир воқеа-ходисани тасвирлар экан, унга ўзининг муносабатини билдириб ўтишга ҳаракат қиласи, ҳисларини китобхондан яширмайди, баъзи ўринларда илмий далиллар, табат тасвирлари, баъзида публицистик рух, ўқувчига мурожаат, хотиралар, баъзан эса ҳис-ҳаяжонга тўла бадиий тафаккур кенгликларига дуч келамиз: “Сиз умрингизда бирон марта боғда яшаб, баҳор кириб келишини кузатганмисиз?” ёки “Атрофимдан автолар эмас, совут кўтарган, эгнидаги жавшанларни ялтиратиб турган алпкелбатли суворийлар, мадрасадан сабоқ олиб қайтаётган, бошларига оппоқ салла ўраган, оппоқ чакмонлар кийган талабалар ўтар, бозордан қайтаётган қарияларнинг юзи кенгиллашган эшаклари ҳоргин йўрттарди...”[6,13]. Кўринадики, эссенависнинг хаёлоти ўқувчини ҳам олис тарихнинг сирли, сехрли йўлларига олиб чиқаётгандек туюлади. “Эссеист учун



яхши ҳикоячи, чуқур мушоҳада юритувчи файласуф, чин юракдан дардлашадиган сұхбатдош, ахлоқ үқитувчиси бўлиш, умуман, шарт эмас ва айни замонда бу қобилиятларнинг барчаси унинг учун етарли эмас. Тафаккур кучи билан у файласуфга, тасаввурининг ёрқинлиги билан рассомлар ва ёзувчиларга, иқорининг очиқлиги билан иқрорнома ва кундаликлар муаллифларига ўхшаб кетади. Эссеист учун, энг муҳими бу қобилиятларнинг барчасининг табиий алоқаси, ўзининг шахсий тажрибаларида билимнинг турли қирраларини марказлаштиришдир”[12,129]. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, X.Даврон тарихга тарихчи ва файласуф кўзи билан қараб баҳо беради, рассомлардек афсоналар, ривоятлар дунёсидан туриб, тарихий шахслар образини чизади. Бугунги кун муаммоларини, ижтимоий-сиёсий --ғоялар дунёсида ҳаётни публицист кўзи билан кузатади, аждодларимизнинг фожиали ҳаёти, аччик қисмати ҳақидаги аниқ далилларни ҳам келтиради. Энг муҳими, бизни мозий сирлари билан ошно этади, қалбимизга яқин тарихий шахслар образини яратади. Тарихий-маърифий бадиаларни ўқир экан, китобхон адибнинг Ватан, тарих ҳақидаги ҳаяжонли туйғуларига янада яқин бўлади. Мунаққид ва адиб X.Давроннинг эссенависликдаги ютуғи ҳам мана шунда.

Хулоса. Адибнинг “Аждодлар ёди” деб номланган публицистик мақоласида “Ватан нима демак? Бу ўз хатти-ҳаракатини муайян майдонда камолга етказган ва етказаётган бус-бутун халқ тарихи, яъни халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу миллатнинг ранг-баранг маданияти, илму фани, тили ва дини, феъл-автори ва аньаналари, бу унинг тараққиётидаги муҳим босқичлар, мағлубиятлар ва ғалабалар, бу унинг ботир ўғлонлари жасорати, донишмандлари фаолиятидир” деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, адибнинг адабий-эстетик қарашларини ҳаёт, адабиёт, шоир ва шеърият, жамият олдидаги бурч, ижод масъулияти, ўтмиш сабоқлари, тарихдан ўрганиш, буюк шахслар ҳаётидан ибрат олиш, Ватан олдидаги қарздорлик ҳисси, ўзлигимизни англаш, қадриятларга содиқлик каби қўркам мулоҳазаларнинг синтези ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент.”Фан”. 2008.146 б.
2. Akhmedova S. N., Khudoykulova M. Development of Literary Critical Debate Genre. – 2021.
3. Ахмедова Ш. Н., Норова Н. О РАЗВИТИИ И ХАРАКТЕРЕ ЖАНРА РЕЦЕНЗИИ //International scientific journal. – 2016. – С. 37. 8. Akhmedova Shoira Nematovna, “UZBEK LITERARY CRITICAL GENRES

AS A SYSTEM”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 6, no. TITFL, pp. 45-51, Apr. 2021.

4. Nazarov B. et al. History of Uzbek Literary Criticism //Textbook. Tashkent,» Wing of the Tafakkur. – 2012.

5. Хуршид Даврон. Самарқанд хаёли. Тошкент. «Камалак”, 1991. 320 б.

6. Хуршид Даврон. Соҳибқирон набираси. Тошкент. «Шарқ НМАК”, 1995. 383 б.

7. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S3. – С. 1245-1250.

8. Saidburhonovna K. N. Literary And Educational Conversation, Dedicated Babur //JournalNX. – С. 102-105. 27. Kadirova N. S. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 428-433.

9. Khudoykulova M. A. THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 231-237.

10. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9).

11. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.

12. Эпштейн М. Законы свободного жанра. Вопросы литературы. 1987, №7, с.129 -140.